



O'ZSANOATQURILISHBANK

“O‘zbekiston sanoat-qurilish banki” aksiyadorlik tijorat banki
“Uzbek Industrial and Construction Bank” Joint-Stock Commercial Bank
Акционерный коммерческий банк “Узбекский промышленно-строительный банк”

BOSHQARUV QARORI

Тошкент ш.

№ 145

2018 йил “17” май

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида кредитлаш ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш Тартиби”ни янги таҳрирда тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли ҳамда 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБни энг илғор тажриба ва халқаро стандартлар асосида иш юритадиган, молиявий жиҳатдан барқарор ва рақобатбардош муассасага айлантириш, мижозларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида,

“Ўзбекистон sanoat-qurilish banki” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви тўғрисида”ги Низом талабларидан келиб чиқиб, Банк Бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида кредитлаш ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш Тартиби”нинг янги таҳрири иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кичик бизнесни кредитлаш департаменти директори (А.Исмамов) мазкур янги таҳрирдаги Тартибнинг нухасини иш фаолиятида фойдаланиш ва унга қатъий риоя қилиш учун банкнинг тегишли таркибий бўлимларига ҳамда барча филиалларга етказилишини таъминласин.

3. Банкнинг барча филиаллари раҳбарларига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- филиалда кредитлаш ва унга тенглаштирилган операциялар (кредит, лизинг, факторинг, кафолат бериш в.б.)ни амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу янги таҳрирдаги Тартибга қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириш;

-мазкур Тартибнинг янги таҳририни филиал ходимлари иштирокида техник ўқув ўтказиш орқали ўрганилишини ташкил этиш.

4. Ички аудит департаментига филиалларда ички аудит текширувлари ўтказилиши пайтида мижозларга кредитлаш хизматлари Банкнинг Кредит сиёсати ва мазкур янги таҳрирдаги Тартиб ҳамда бошқа ички меъёрий ҳужжатлар асосида кўрсатилаётганлиги масаласига алоҳида эътибор берилиши тавсия этилсин.

5. Мазкур янги таҳрирдаги Тартиб тасдиқланиши муносабати билан Банк Бошқарувининг 2017 йил 31 мартдаги 77-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида кредитлаш ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш Тартиби” (Юридик бошқарма Методология бўлимида рўйхатга олинган рақами: 202-1) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари С.Аннакличев зиммасига юклатилсин.